

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**54** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320*

*(2012 йил 11 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 12 январдаги 183-В ва 12-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1009, 2001 йил 19 февраль) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 31 декабрь,  
38/1-сон

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 31 декабрь,  
89-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви, Молия  
вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги  
38/1 ва 89-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг  
касса ижроси тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб юритилади) касса ижросини амалга ошириш ва унинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Давлат бюджетининг касса ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги (кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилади) ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

2. Давлат бюджетининг ғазна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

## II боб. Давлат бюджетининг даромадлари бўйича касса ижроси

### 1-§. Давлат бюджети даромадлари

3. Давлат бюджети даромадлари:

қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

резидент-юрidik шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

4. Давлат бюджетига келиб тушган маблағларнинг тўғри ва ўз вақтида кирим қилинишини таъминлаш мақсадида молия, солиқ, божхона ва бошқа ваколатли органларнинг хос рақамлари билан 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақлари Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) 2-илоvasи даромадлар турига асосан белгиланган шахсий ҳисоб рақамларга (кейинги ўринларда ШХР деб юритилди) мувофиқ банкларда очилади.

5. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақларига кирим қилинади.

6. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар банклар томонидан 23411 баланс ҳисобварағида очилган мос ШХР га кирим қилинади ва ўрнатилган тартибда Давлат бюджети ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ўртасида тақсимланади.

7. Давлат бюджетининг 23402, 23403, 20207 ва 20205 баланс ҳисобварақларининг ШХР га кирим қилинган маблағлар дастурий равишда белгиланган миқдорларда ажратма қилинади ва тўлиқ ягона ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади. Бунда, ажратма қилинган маблағларнинг тегишли республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг Ғазначиликда очилган шахсий ғазна

ҳисоб рақамларига тўғри кирим қилинишини таъминлаш мақсадида дастурий равишда шакллантириладиган тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида уларнинг шахсий ғазна ҳисоб рақамлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

8. Худудий молия органлари Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари билан биргаликда мазкур шахсий ғазна ҳисоб рақамлари рўйхатини хизмат кўрсатувчи тижорат банкига тақдим этади. Банклар ўз навбатида, ажратмаларни дастурий йўл билан тўғри тақсимланишини таъминлаш мақсадида тақдим этилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларини дастурга киритилишини таъминлаши лозим. Мазкур шахсий ғазна ҳисоб рақамларнинг дастурга тўғри киритилганлиги банк, молия ва Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари томонидан ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига хатловдан ўтказилади ва уч томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

9. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш миллий валютада, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида амалга оширилиши мумкин. Бунда чет эл валютасида тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар аввал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли валюта ҳисобварақларига кирим қилинади ва белгиланган тартибда миллий валютага конвертация қилинади. Миллий валютага конвертация қилинган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мазкур даромадларнинг тегишлилигига қараб республика бюджетининг даромадига, ёки Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг даромадига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олиб борилади. Бунда чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курсининг ўзгариши ҳисобига юзага келадиган ижобий фарқ республика бюджети даромадига кирим қилинади.

10. Юридик шахслар томонидан Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

11. Жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланиши мумкин.

12. Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мақсадида тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг тўғри тўлдирилганлиги ва тўлов тўғри амалга ошириладиганлиги банк томонидан текширилгандан кейин тўловга қабул қилиниши лозим. Банкларга тақдим этилган тўлов ҳужжатлари нотўғри тўлдирилган бўлса, уларнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда тўлов ҳужжатлари тақдим этувчиларга қайтарилади.

13. Юридик шахслар томонидан ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ҳамда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадалини Давлат бюджетига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки филиалида очилган 22628 баланс ҳисобварағининг 999 тартиб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқномасини жорий ойнинг иккинчи ярмида иш ҳақи олиш учун топширадиган чек билан ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказиётган бир вақтда тақдим этилади.

Агар, банкка иш ҳақи олиш учун топширадиган чек билан ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказиётган бир вақтда тўлов топшириқномалари

тақдим этилмаса, иш ҳақи олиш учун нақд пул беришга ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказишга рухсат этилмайди.

14. Юридик шахслар томонидан даромад солиғи ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадалини ўтказиш учун банкларга тақдим этилган тўлов топшириқномаларига «Тўлов мақсадида «\_\_» «\_\_\_\_\_» оғи иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ёки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадали суммаси ўтказилди» деб ёзиб қўйилиши лозим.

15. Юридик шахсларнинг ҳисобварақларида маблағлар етарли бўлмаса, банкларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш бўйича тўлов топшириқномаси «Муддатида тўланмаган ҳисобкитоб ҳужжатлари» кирим қилинади ва тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш бўйича тўлов ҳужжатлари, тегишли ваколатли органларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси банкнинг айби билан бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банк ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг 0,5 фоизи миқдорида республика бюджетига пеня тўлайди.

17. Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар алоҳида ёзилган тўлов ҳужжатларига асосан Давлат бюджетига даромадлари ҳисобварағига кирим қилинади.

18. Давлат бюджетига даромадлари ҳисобварағига келиб тушган маблағларнинг кирим қилинганлиги тўғрисида ҳисобварақдан кўчирма ва иловалар банклар томонидан қоғоз ёки электрон файл кўринишида солиқ, божхона ва бошқа тегишли органларга белгиланган тартибда тақдим этилади.

## **2-§. Давлат бюджетига даромадлари ҳисобидан ажратмалар қилиш**

19. Давлат бюджетига келиб тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга белгиланган миқдорда ажратма қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетига даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини Ғазначиликка, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоят (шаҳар) молия бошқармаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига етказилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз навбатида ажратмалар миқдорини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҳамда тижорат банкларининг Бош офисларига ижро учун юборилади.

Ғазначилик Давлат бюджетига даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга

ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларига етказади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар (Тошкент шаҳар) молия бошқармалари тегишли ажратма қилиш миқдорини ҳар бир шаҳар ва туман молия органларига етказади, шаҳар ва туман молия органлари эса, ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларига ва тегишли тижорат банкларига етказади.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар (Тошкент шаҳар) молия бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини асоссиз равишда ўзгартиришга ҳақли эмас.

23. Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдори, шунингдек тегишли бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари жорий йил давомида ўзгарса, мазкур Йўриқноманинг 20 ва 21-бандларида белгиланган тартибда қўшимча хабар қилинади.

24. Давлат бюджети даромадлари ҳисобига келиб тушган кунлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар банклар томонидан дастурий равишда ўрнатилган ажратма миқдорида жорий амалиёт куни давомида амалга оширилади ва ҳар бир тегишли бюджетлар бўйича алоҳида мемориал ордерлар билан шакллантирилиб тўлиқ ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилади. Бунда, дастурий равишда шакллантирилган мемориал ордерларнинг тўлов мақсадида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари алоҳида кўрсатилади.

25. Давлат бюджети даромадлари келиб тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ҳар бир ШХР бўйича алоҳида амалга оширилади.

**3-§. Бюджетга нотўғри ёки ортиқча ўтказилган  
солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўзаро бошқа  
тўловлар ҳисобига ўтказиш ёки қайтариш**

26. Бюджетга ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг ёзма аризасига кўра қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ёхуд бошқа тўловлар ҳисобига ўтказилади.

27. Давлат бюджетига ортиқча тўланган божхона тўловлари Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 947, 2000 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) асосан тартибга солинади.

28. Ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

29. Молия органлари бюджетга ортиқча ўтказилган солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни солиқ тўловчиларга қайтариш ёки келгуси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органларининг ёзма хулосасини олган кундан кейинги иш кунидан кечикмасдан банкларга тўлов топшириқномаларини тақдим этади.

30. Молия ва бошқа тегишли ваколатли органлар томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномасига асосан бюджетга нотўғри ёки ортиқча ўтказилган маблағларни 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақларининг мос ШХР идан кунлик тушумлар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилишдан олдин бошқа тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки солиқ тўловчиларга қайтарилади.

31. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг мос даромадлар ШХР га келиб тушган кунлик тушумлар етарли бўлмаганда молия органлари томонидан банкларга тақдим этилган тўлов топшириқномалари бўйича тўловларни қисман тўлашга рухсат этилади.

Алоҳида ҳолларда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг мос даромадлар ШХР га келиб тушган кунлик тушумлар етарли бўлмаганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хулосасига асосан тегишли молия органларининг тўлов топшириқномаларига мувофиқ солиқ тўловчига ягона ғазна ҳисобварағидан (тегишли бюджетларнинг тушумларини камайтирган ҳолда) қайтаришга рухсат этилади.

### **III боб. Давлат бюджетининг харажатлари бўйича касса ижроси**

#### **1-§. Давлат бюджетининг харажатлари**

32. Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган харажатлар амалга оширилади. Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджет асосида ягона ғазна ҳисобварағида мавжуд қолдиқ доирасида амалга оширилади.

33. Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчи-

ларни молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномалари «тўлов мақсади»да харажатларнинг бўлими, кичик бўлими, боби ҳамда қайси ой учун молиялаштирилганлиги кўрсатилади.

34. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчилар ўз қарамоғидаги муассасаларга пул маблағларини ўтказиш учун тақдим этган тўлов топшириқномалари «тўлов мақсади»да харажатларнинг бўлими, кичик бўлими, боби ҳамда қайси ой учун молиялаштирилганлигини кўрсатади.

35. Республика бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларни қилиш мақсадида Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларга 23404 «Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг маблағлари» ҳисобварақлари Давлат бюджетининг харажатлар таснифининг тегишли ШХР га асосан очилади.

36. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчилар республика бюджетидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан харажатларни 23404 «Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг маблағлари» ҳисобварағидаги қолдиқ сумма доирасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тегишли харажатлар сметасига асосан амалга оширади.

37. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларга республика бюджетидан маблағлар белгиланган лимитдан ортиқча ёки нотўғри ўтказилган ҳолларда, ушбу ортиқча ёки нотўғри ўтказилган маблағлар бюджет ташкилотининг тўлов топшириқномасига ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қўйилган инкассо топшириқномасига асосан республика бюджетига қайтарилиши лозим.

38. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномалари уларнинг ҳисобварақларида маблағлар етарли бўлган ҳолларда банк томонидан ижро учун қабул қилинади.

39. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларга бюджет маблағлари ҳисобидан марказий бошқарув апаратини сақлаш, марказлашган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар қилишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўтказилган маблағларни қуйи поғонадаги бюджет маблағларини тасарруф этувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқи берилган.

40. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ташкилотлари, муассасалари, ҳарбий қисмлари ва таъминловчи молия бўлимлари томонидан банкларга тақдим қилинадиган тўлов топшириқномалари «тўлов мақсади»да «Ҳарбий» сўзини кўрсатадилар.

41. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ташкилотлари, муассасалари, ҳарбий қисмлари ва таъминловчи молия бўлимлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга ошириш учун тақ-



дим этган тўлов топшириқномалари «тўлов мақсади»да счёт-фактура рақами ва санаси кўрсатилади, товар ва хизматларнинг номи ёзилмайди.

## 2-§. Капитал қўйилмалар харажатлари

42. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан республика бюджетидан капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига асосан ажратилади.

43. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан капитал қўйилмалар харажатларини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни кирим қилиш мақсадида, ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг хос рақами билан 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварақлари фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида ва республика тижорат банкларининг амалиёт Бош бошқармаларида очилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан капитал қўйилмалар харажатларини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни кирим қилиш учун ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларга бошқа банк бўлимларида 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварақларини очишга рухсат этилмайди.

44. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар харажатларини молиялаштириш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тўлов топшириқномасига асосан ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларнинг 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварақларига ўтказилади. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар харажатларини молиялаштириш учун очиладиган 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварақларига бюджетдан ташқари маблағларни кирим қилиш катъиян тақиқланади.

45. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар тайинлаш сертификати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига (рўйхат рақами 1111, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) асосан расмийлаштирилади.

46. Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчилар тайинлаш сертификати асосан 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварағидан пул маблағларни тўлов топшириқномаларига асосан иш бажарувчи (хизмат кўрсатувчи)ларга уларнинг 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварағига ўтказиб беради. Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларнинг 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварақларидан тайинлаш сер-

тификатида кўзда тутилмаган тўловларни амалга оширишга рухсат этилмайди.

47. Пудратчи ва бошқа иш бажарувчилар ҳамда товар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар 23422 «Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш» ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

48. Республика бюджетидан ажратилган капитал қўйилмалар харажатларини молиялаштириш тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида ва республика тижорат банкларининг амалиёт Бош бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

#### **IV боб. Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш**

49. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида тезкор, ойлик ва йиллик ҳисоботларнинг ҳажми ва шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ҳазначилик билан келишилган ҳолда белгиланади.

50. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур Йўриқноманинг 1 — 9-иловаларида келтирилган шаклдаги ҳисоботларни электрон файл кўринишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кунлик тақдим этиб боради.

51. Тижорат банкларининг Бош офислари ғазна ижроси билан камраб олинмаган бюджетдан маблағ олувчиларнинг 23404 ва 23405 баланс ҳисобварақлари ШХР бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиб боради.

#### **V боб. Яқуний қоида**

52. Мазкур Йўриқноманинг бажарилишини ҳамда ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этилиши юзасидан назорат молия органлари, Ҳазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тижорат банклари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммаларига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджетининг касса ижроси  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 1-ИЛОВА

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
 ҳолатига 2204 GRE  
 ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Параграф	Даромад тури	23402-сонли Давлат бюджетининг даромадлари ҳисобварағига келиб тушган жами тушум	Шундан:		
					ягона ғазна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	23402-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23402-сонли ҳисобварағи Давлат бюджети- нинг даромад- лари қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджетининг касса ижроси  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 2-ИЛОВА

54-модда

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
 ҳолатига 2204 GRE  
 ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Параграф	Даромад тури	23403-сонли ҳисобварағига келиб тушган жами тушум	Шундан:		
					ягона ғазна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	23403-сонли ҳисоб- варақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23403-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8

— 42 —

5 (505)-сон

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
ҳолатига 2204 GRE  
ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Пара- граф	Даромад тури	23407-сонли ҳисобвара- гига келиб тушган жами тушум	Шахсий ҳисоб рақам	23402-сонли ҳисобварагига ажратма қилинган маблағ	Шахсий ҳисоб рақам	20207-сонли ҳисобварагига ажратма қилинган маблағ	Шахсий ҳисоб рақам	20205-сонли ҳисобварагига ажратма қилинган маблағ	Шундан:	
											23407-сонли ҳисобварақ- дан қайтарил- ган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23407-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджетининг касса ижроси  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 4-ИЛОВА

54-модда

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
 ҳолатига 2204 GRE  
**ҲИСОБОТ**

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Параграф	Даромад тури	23409-сонли ҳисобварақига келиб тушган жами тушум	Шундан:			
					23402-сонли Давлат бюджети даромадлари- нинг тегишли шахсий ҳисоб рақамига ажратма қилинган маблағ	республика фермерлар уюшмасига ажратма қилинган маблағ	23409-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23409-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9

— 44 —

5 (505)-сон

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджетининг касса ижроси  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 5-ИЛОВА

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
 ҳолатига 2204 GRE  
 ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Параграф	Даромад тури	20207-сонли ҳисобварағига келиб тушган жами тушум	Шундан:		
					ягона ғазна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	20207-сонли ҳисоб- варақдан қайтарилган нотуғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	20207-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджетининг касса ижроси  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 6-ИЛОВА

54-модда

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
 ҳолатига 2204 GRE  
 ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Пара- граф	Даромад тури	20205-сонли ҳисобвара- ғига келиб тушган жами тушум	Шундан:				
					20205-сонли 780-шахсий ҳисоб рақа- мига ажрат- ма қилинган маблағ	20205-сонли 779-шахсий ҳисоб рақамига ажратма қилинган маблағ	20205-сонли 881-шахсий ҳисоб рақамига ажратма қилинган маблағ	20205-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	20205-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

— 46 —

5 (505)-сон



Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
ҳолатига 2204 GRE  
ҲИСОБОТ

Шахсий ҳисоб рақам	Бўлим	Пара- граф	Даромад тури	23411-сонли ҳисобвара- гига келиб тушган жами тушум	Шундан:			
					23402-сонли Давлат бюджети даромад- ларининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига ажратма қилинган маблағ	вазирликлар, давлат қўмиталари ва идора- ларнинг тегишли ҳисобварагига аж- ратма қилинган маблағ	23411-сонли ҳисоб- варақдан қайта- рилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23411-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат бюджетининг касса ижроси  
тўғрисидаги йўриқномага  
8-ИЛОВА

54-модда

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
ҳолатига 2204 GRE  
ҲИСОБОТ

Худудлар номи	23402-сонли ҳисобварағига келиб тушган жами тушум	Шундан:		
		ягона ғазна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	23402-сонли ҳисоб- варақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23402-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5
Қорақалпоғистон Республикаси				
Андижон вилояти				
Бухоро вилояти				
Жиззах вилояти				
Қашқадарё вилояти				
Навоий вилояти				
Наманган вилояти				
Самарқанд вилояти				
Сурхондарё вилояти				
Сирдарё вилояти				
Тошкент вилояти				
Фарғона вилояти				
Хоразм вилояти				
Тошкент шаҳри				

— 48 —

5 (505)-сон

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
ҳолатига 2204 GRE  
ҲИСОБОТ

Худудлар номи	23403-сонли ҳисобварағига келиб тушган жами тушум	Шундан:		
		ягона газна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	23403-сонли ҳисоб- варақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23403-сонли ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5
Қорақалпоғистон Республикаси				
Андижон вилояти				
Бухоро вилояти				
Жиззах вилояти				
Қашқадарё вилояти				
Навоний вилояти				
Наманган вилояти				
Самарқанд вилояти				
Сурхондарё вилояти				
Сирдарё вилояти				
Тошкент вилояти				
Фарғона вилояти				
Хоразм вилояти				
Тошкент шаҳри				